

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 13 (924)

2013-yil, 29-mart, juma



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган иккита Ўзбекистон Республикаси

қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Чунончи, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги тахрирда) кўриб чиқиш вақтида қонун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга, шунингдек, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини амалга

ошириш тизимида маҳалланинг вазифаларини кенгайтиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Қонун билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолининг ижтимоий ноҳор қатламларини қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширишдаги, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшлар никоҳдан ўтаётганида ҳамда тўй тантаналарини ўтказётганида уларга моддий ёрдам кўрсатиш, боласи икки ёшга етмаган, ишламаётган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ва улар-

нинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш каби ваколатлари анча кенгайтирилди.

Фуқаролар йиғинларининг кенгашларига аҳолини, шу жумладан ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёлғиз қолган кекса фуқароларни, пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларга ишга жойлашишда кўмаклашиш масалаларида кўшимча ваколатлар берилмоқда. Сенаторлар ушбу қонунни маъқулладилар.

«Электрон ҳукумат»

тизимини шакллантиришга оид комплекс дастурни амалга ошириш долзарб масала

Концепция: устувор вазифалар

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳалар, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши ҳамда электрон рақамли имзонинг асоси ҳисобланган «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришга оид комплекс дастурни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соҳанинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Утган давр мобайнида соҳага оид 11 та қонун, 3 та фармон, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 300 дан ортиқ идоравий қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш мақсадида 2003-2004 йилларда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда бир қатор ривожланган давлатларнинг тажрибалари ҳам атрофлича ўрганилиб, мақбул жиҳатлари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилди.

Диққат, танлов!

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП
«ЁШЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ
ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРИ»
РЕСПУБЛИКА КҮРИК-ТАНЛОВИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Эркин Иқтисодий Зоналар

Жиззах ва Сирдарё вилоятлари янада ривожланиши, тараққий этиши учун фавқулодда кўламга эга имкониятлар яратилди. 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.



Мазкур Фармон юқори кўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, бу борада қулай шарт-шароитларни

шакллантиришга, иккала вилоятнинг ишлаб чиқариш ва рессурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

ФАКТ ВА РАҚАМ

Юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсган.



Спорт

Диёримиз доврўғини дунёга таратаётганлар


12-22 март кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида шарқ яккакурашлари бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Дунёнинг 59 давлати спортчилари совринли ўринлар учун кураш олиб борган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 3 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Иновация

Ўзбекистонда «яшил уй»лар барпо этилади

Сайёрамизда аҳоли сонининг ошишига мутаносиб тарзда энергия истеъмоли ҳам ўсиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 2075-2100 йилга бориб аҳоли сони тахминан 12 миллиардга етиши, энергия истеъмоли эса киши бошига ҳозирги ўртача 4 кВт дан, 2075 йили 9,1 кВт га етиши кутилмоқда.



7 ➤

8 ➤

2 ➤

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда

Сенаторлар «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги тахрирда) муҳокама қилар эканлар, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлигини, бу тизим катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолининг ҳурмати ва ишончини қозонган муносиб фуқаролар раислар ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишини, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришни оқийдигани таъминлашини таъкидлашди.

Шунингдек, қонун билан фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга қўйилган қўшимча талаблар белгиланмоқда, жорий этилаётган тартибга қўра фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ўз чиқишларида келгусидаги фаолиятлари дастурини эълон қилишлари керак.

Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишдаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши сайлов ўтказишнинг аниқ мuddатларини ҳамда тайёрларик тadbирларининг тартибини белгилайди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги тахрирда) кўриб чиқдилар. Муҳокамада сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик асослари ва ҳуқуқий қўлаш амалиётини мустахкамлашнинг, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Қонуннинг янги тахририда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, давлат бошқаруви, бу ишни ташкил этишда жамоатчиликнинг иштироки масалалари аниқ тартибга солинган. Йўлларнинг ҳолатига, фаолияти транспорт воситаларини ишлатиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга, уларнинг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текширишга қўйиладиган талаблар жиддий ўзгартирилмоқда, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сўзга чиққан сенаторлар ушбу қонуннинг асосий мақсади Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнини амалга оширишнинг мавжуд тартибини янада такомиллаштиришдан, қонун лойиҳаларини парламент куйи палатасида кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг фракциялари ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишнинг процессуал механизмини такомиллаштиришдан иборат эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонунни муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, депутатларнинг профессионал фаоллигини ҳам, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришдаги ролини ҳам оширади. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига, қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштиришга иjobий таъсир кўрсатади.

Сенаторларнинг фикрича, тақлиф қилинаётган нормалар сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлар гуруҳларининг) палата томонидан қабул қилинаётган қарорларга қонун лойиҳасини кўриб чиқишнинг ҳамма босқичларида таъсир кўрсатиш имкониятларини оширишга, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатларига ва саноатчиларининг манфаатларига асосланиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз нуктаи назарларини хар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин парламент ўқори палатасининг аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво, Жиноят, Меҳнат, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал, Божхона, Оила кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Сўғурта фаолияти тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Аҳолини сил касалигидан муҳофазат қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжат-

ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама вақтида сенаторлар тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтиришга, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга, шунингдек, оила институтини мустахкамлашга ёрдам беришини таъкидлашди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Сеул, 2012 йил сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам муҳокама қилиб, маъқулладилар.

Сенат аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Олий Мажлиси фаолияти тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан, конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ва ҳисоботини тингладилар.

Чунончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглади, тасдиқладилар. Қайд этилганидек, омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига вайрон этилиши, устидан парламент ва жамоат назоратини кучайтириш чораларини амалга оширишга, қонун ҳужжатларини, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришга қаратилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликини мустахкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ҳисобот йилида омбудсман томонидан 20 дан ортқ қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчиликка, халқаро стандартларга мослиги жиҳатидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мамлакат минтақаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий рафолларини ҳамда шарт-шароитларини таъминлаш устидан мониторинг амалга оширилди.

Фуқароларнинг мужоатларини электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Омбудсман ва унинг ходимларининг шах-

сий қабулида фуқароларнинг 1391 та мужоати кўриб чиқилган.

Муҳокамада сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсияларни баён этдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Давлат раҳбари томонидан 2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда белгиланган берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташки аудитордан ўтказилиб, баҳоланди, 2013 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сибсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳаси экспертиза қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилишини ва ижро этилишини назорат қилиш, бюджет маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини текшириш асосида вазирликлар ва идора-лар фаолиятида аниқланган камчиликлар ҳамда йўл қўйилган қоидабузарликлар бартараф этилди.

Олий Мажлиси Сенатининг тавсияларига мувофиқ ҳисобот даври мобайнида Ҳисоб палатаси томонидан Бухоро ва Хоразм вилоятларида инфраструктура, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантиришга, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишига, шунингдек, қўшимча иш жойлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича иш олиб борилди.

Сенаторлар Ҳисоб палатасининг назорат тadbирларини кучайтириш ва самардорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чораларни кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи кунги ўз иш-ни тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати



Гайнома ГАЙМОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

Давоми. Боши 1-бетда

Айтиш керакки, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши ва жойларда ижроси таъминлини иш юриштиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланиши, масофа қисқариши, вақт тежалиши ҳамда иқтисодий самарадорлигининг ошишида муҳим омили бўлмоқда. Мамлакатимизда бу каби ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатлари ривожланиши эса, ўз навбатида, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, электрон тижорат, электрон тўловлар каби яна бир қанча янги хизмат турларининг шаклланишига, жумладан, тадбиркорларимизга масофадан туриб дунёнинг хоҳланган мамлакатидан ўзига ҳамкор топшиш ва тижорат ишларини юриштиришга кенг йўл очди.

Ўзбекистонда электрон ҳужжатларга ҳуқуқий давлат берувчи «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантиришга қўмаклашиб, давлат ҳокимиятининг турли идоралари ўртасидаги ҳужжат айланишини автоматлаштиришга қўлай имконият яратмоқда. «Электрон ҳужжат айланиши тизимининг жорий этиш ўзаро ахборот алмашинуви даражаси ва сифатини оширишга, ахборот излаш самарадорлиги ўсишига, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш ва улардан фойдаланишга қўмаклашиб, қоғозли ҳужжат айланиши улушини камайишига ёрдам бермоқда. Ушбу қонун электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомини ва унинг реквизиатларини аниқлаган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларини, электрон ҳужжатни олиш, жўна-тиш, уларни сақлаш ва муҳофаза этиш тартибини белгилаб берди.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қонун электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қоғоздаги шахсий имзо тенг қучга эга эканлигини таъминлаб берди. Натияжада юридик ва жисмоний шахслар томонидан интернет тармоқидан фойдаланган ҳолда керак бўлган барча ҳисобот формалари ва бошқа маълумотларни электрон равишда интернет фаол ҳолда олиш ҳамда солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш имкониятини яратди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва ижросининг таъминлини натижасида рес-

«Электрон ҳужжат»

тизимини шакллантиришга
оид комплекс дастурни

амалга ошириш
долзарб масала

публикацида 9 та электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари 2006 йилда 93 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб 300 мингтадан ортқ кетди.

Шу билан бир қаторда, мижозларга янги хизмат турларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари кафолатлаб қўйилди. Бу билан иқтисодий тизимда электрон тўловлар хизматини кўрсатувчи муассасалар кириб келди, «SMS-банкнинг», «Интернет-банкнинг» каби янги электрон тўлов хизматлари жорий этилди. Эндиликда ушбу хизматлар шарофати билан мижозлар коммунал хизматлар, мобиль алоқа ва интернет хизматларини ҳисоб-китоб қилиб, уй-рўзгор молларини интернет орқали сотиб олишмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Шу ўринда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Шу ўринда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Мазлумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурининг «Сиёсий ўзгаришлар» инсон манфаатлари — энг олий кадрият» деб номланган бўлимида «Адолат» СДП келгусида ҳам бошқарувда ошқоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш илгари суриши алоҳида таъкидланган. Фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, албатта, замонавий ахборот коммуникация технологиялари ривож билан боғлиқдир. Шу боис партия соҳа ривожидан фол иштирок этади. Қолаверса, партияимиз фаолият дастурида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, интернет тармоғи орқали турли интерактив хизматларни кўрсатишни ривожлантириш ҳам назарда тутилган.

Қизириқда

қуйи партия ташкилотлари сони яна биттага кўпайди

Бошланғич ташкилот — партия негизи

Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад-вазифаларини кенг оммага тарғиб этишда жойлардаги партиядошларимизнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Айниқса, қизириқлик «Адолат»чиларнинг мамлакатимизда олиб борилган дастурий ислохотларни, партия дастурида белгиланган вазифаларни тарғиб этиш, ўз сафларини фаол аъзолар билан оширишга алоҳида эътибор қаратиб, янгидан-янги ташаббусларни кўтариб чиқаётганликлари диққатга сазовордир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида яқинда Қизирик туманидаги бошланғич партия ташкилотлари сони яна биттага кўпайди. Тумандаги «Қунчиқ» маҳалла фуқаролар йиғинида тузилган янги бошланғич ташкилот мақсадлари муштарак 15 нафар партиядошларни бирлаштирди.

Бошланғич ташкилотимиз фаолларининг аҳоли саломатлиги, ёшларимиз таълим-тарбияси, хонадонларимиз тинч-тотувлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган тиббиёт ходимлари, педагоглар, маҳалла посбонлари каби ҳурмат қозongan жонкуяр инсонлардан иборатлиги бизни янгидан-янги мақсадлар сари ундайди, — дейди БПТ етакчиси, «Қунчиқ» МФЙ раи-

си Э.Номозов. — Фаолларимизнинг бевосита халқ ичида эканликлари, электротимизни ўйлан-тираётган масалаларни яхши билишлари худудимиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз сафини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қуйи бўғиннинг дастлабки фаоллар йиғилишида сўзга чиққан партиянинг янги аъзолари Б.Аб-раев, М.Қурбонов, Н.Қамбарова, Д.Эшбова, Ф.Қўчиқовалар жамиятда қонун устуворлигига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий ва тиббий савдоҳонлигини ошириш, баркамол авлодни камол топтириш каби партия дастурий гоғларини амалга оширишда, аввало, фаолларнинг ўзлари

шахсий намуна кўрсатишлари лозимлиги, аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориш ҳамда уларнинг партия гоғларига ишончини оширишда фаоллик кўрсатишлари зарурлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Албатта, туманда партиядошларимиз сафи кенгайиб бораётганлигининг бош омили бу халқ ишончи билан сайланган туман Кенгаши депутатларининг самарали фаолияти десак, асло янглимаган бўлаемиз, — дейди Қизирик тумани партия кенгаши раиси А.Шодмонов. — Чунки халқ депутатлари туман Кенгашидаги 11 нафар депутатиимиз ўз соҳасининг етук мутахассиси ва партияимиздан сайланган халқнинг ишончли ваки-



ли сифатида электротимиз манфаати йўлида ибратли ишларни йўлга қўйишган. Қолаверса, бугун сафларимизда сиёсий жиҳатдан етук, партияимиз гоғларидан яхши хабардор шижоатли, ўз мустақил фикрига эга ёшларимизнинг борлиги бизни қувонтиради. Бу эса барчамизни юртимиз равнаки, халқ фаровонлиги йўлида янада самарали фаолият юриштишга ундайди.

Тадбир давомида БПТ аъзоларига «Обод турмуш йили»

Давлат дастури ҳамда партияимиз дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, тарғибот тadbирларининг таъсирчан, самарали бўлишини таъминлаш юзасидан услубий ва амалий тавсиялар берилди.

Райхон ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондёр вилояти Кенгаши
матбуот хизмати раҳбари

Фаолият

Парида Пармонова: “Хотин-қизлар мавқеи янада ошади”

“Адолат”нинг адолатли аёллари

Юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кучайтириш, феолигини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Сафларида 7,5 минг нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган ва бунинг 49 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партия дастурида белгилаб берилган бир қатор муҳим вазифалар билан бирга, аёллар масаласига ҳам қатта эътибор қаратаяпти.

— Бугунги ўзбек аёли ҳеч кимдан кам эмас, — дейди Кенгаш раиси Парида Пармонова. — Мен хотин-қизларнинг ватанамиз тараққиёти, юртимиз истиқболи йўлида қилаётган ишларини кўриб, қувонман, эришаётган ютуқларига ҳавасим келади. Улар орасида партиямиз аъзоларининг кўпчилигини ташкил этиши эса кўнглимга алоҳида фараҳ бағишлайди.

— Мамлакатимиз хотин-қизларнинг роли тобора ортиб бораётган бир пайтда партиянинг етакчи бўлиши ҳисобланган Тошкент шаҳар Кенгаши бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Ойлада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш олдимида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Агар эътибор берган бўлсангиз, бугунги кунда сафимидаги аъзоларнинг салкам ярмини аёллар ташкил этади. Улар жойларда ўтказилаётган бир-бирдан қизиқарли турли тадбирлар орқали “Адолат” СДП аёлларини кенг тарғиб этиш, масаладошлар сафини кенгайтириш, партиянинг аъзо аътибори ва нуфузини оширишга бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Қатор янги ишларнинг ташаббускорларига айланишмоқда. Жумладан, Камолитдин Бехзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти проректори Дилфуза Раҳматуллаева, Тошкент кимё-технология институти проректори Махфуза Қорахўжаева, “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори ўринбосари Матлуба Охунова, республика Хотин-қизлар қўмитаси бўлим бошлиғи Дилбар Олимжонова,

Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Зумрад Ақромхўжаева каби фаол аёлларимизнинг саъй-ҳаракати билан партия кенг аҳоли қатламлари орасига чуқур кириб бормоқда. Аёллар, ёшлар ўртасида партияга хайрихоҳлар кўпаймоқда. Юнусовод, Мирзо Улугбек, Сирғали туман партия кенгашлари фаолиятида юз бераётган ўзгаришларда эса бу ҳудудий ташкилотларга етакчилик қилаётган Махбуба Орипхонова, Адолат Мирзаева, Феруза Ориповаларнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Фаол аёлларимизнинг бевоқифа иштироки, кўмаги ва ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган тадбирларимизнинг яхши самара бераётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон “Адолат” СДП “Аёллар” қаноти Кенгашининг ташаббуси билан ташкил этилган “Оқила аёл — мустақил қўл” ва “Аёлларнинг кўмаги” каби оила яратувчиси” кўрик-танлови юқори савияда ўтди. Тошкент кимё-технология институти маънавият ва маърифат бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси ва шаҳар партия Кенгаши ҳамкорлигида беш йилдан буён 8 март байрами арафасида ўтказиб келинаётган “Кимёгар маликалар” кўрик-танлови ҳам талаба-ёшларда қадимий урф-одат ва миллий қадриятларимизга қатта қизиқиш уйғотмоқда.

Танлов бу йил Ўзбек Миллий академик драма театрида ташкил этилди. Унда институт факультетларида фаолият олиб бораётган “Тўмарис”, “Мисс Таманно”, “Чашма”, “Звезда востока” ва “Сомоинур” жамоалари ўзаро куч синашди. Юксак маҳорат билан ижро этилган миллий рақс ва кўшиқлар, сахна кўринишлари иштирокчиларда қатта таассурот қолдирди.



— Ташаббус — фаолият асоси дейишди.

— Шундай ташаббус кўрсатиб ишлаш замон талаби, давр тақозоси. Утган йили янгиликка қўл уриб, шаҳар партия Кенгаши қошида кадрлар ўқувига янги йўлга қўйдик. Туман партия кенгашларининг раисларини махсус ўқув дастури асосида ўқитиб, малакаларини оширдик. Янги билим ва тафаккурга эга бўлган ҳудудий ташкилот етакчилари бу курсни битириб, ўз туманларига қайтган, бошлангич партия ташкилотлари билан яқиндан иш олиб боришди. Табиийки, бу саъй-ҳаракатимиз тез орада ўз мевасини берди. БПТлар фаолияти кучайди. Туман партия кенгашлари иши янада жонланди. Сиёсий Кенгаш ташаббусимизни ўрганиб чиқиб, қўллаб-қувватлади ва республика бўйича оммалаштирди. Эндликда барча вилоят партия Кенгашларида кадрлар ўқув ташкил этилиб, уларнинг малакаси ошириб боришмоқда.

— Партиянинг вайлловолди дастурида “Инсон манфаатлари — энг олий қадрият!”, “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони!” сингари шioriларни учратамиз. Улар ҳаётда ўзининг қандай ифодасини топаётми?

— Бу шioriларни мен сафдошларимизни амалий ишларга руҳлантирувчи давваткор сўзга ўхшатаман. Партия сиёсий майдонга “Адолат” номи билан чиққан. Унинг учун инсон манфаатлари энг олий қадрият ҳисобланади ва бу борада иш олиб бориш бизнинг доимий вазифамиздир.

Партия Кенгашимиз ҳозирги кунда шаҳарда ўзининг 9 нафар депутатиغا эга. Бундан ташқари барча туманларда кўйи бўғинларимизга ҳам эгамиз. Уларга фуқаролар турли масалаларда тез-тез мурожаат этиб туришади. Айрим муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам сўрашади. Шундай мурожаатлардан сўнг Учтепа туманидаги Ўрикзор даҳасида янги оилавий поликлиника қурилиши бошлаб берилди. “Кўхна Чўлпон ота” маҳалласидаги бўш жойда болалар майдончаси ишга туширилди. Унда юз нафардан зиёд маҳаллий ёшлар спортнинг футбол, бокс, каратэ, муайтай турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда. Ҳадемай уларга бу ерда яна бир қулайлик яратилади: қилинган бўлишига ишга туширилади. Адолатсизликка учраб, ноҳақ ишдан бўшатилганларнинг жойига тикланишига партиянинг Миробод туман кенгаши яқиндан ёрдам бермоқда. Бошқа туманларда ҳам бу каби қатор муҳим масалалар партиядошларимиз томонидан ижобий ҳал этилмоқда.

— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори. Шундай экан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда партиянинг иштироки сезилаятми?

— Истиклол йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Эл саломатлигини сақлашга бўлган эътибор кучайди. Жум-

ладан, соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор қонунлар қабул қилиниб, тиббий хизмат янги босқичга кўтарилди. Қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқишда ва соҳани ривожлантиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иш олиб бораётган партия фракцияси аъзолари, электроратимизнинг кўпчилик қисмини ташкил этаётган тиббиёт ходимларининг ҳам ҳиссаси бор, деб уйлайман. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтида яқинда “Тиббиёт қонунчилиги: амалдаги ҳолат, муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, тиббиёт ходимлари ва партия фаоллари иштирок этишди.

— Партиянинг кучли бўлишига айланмиш учун шаҳар Кенгаши яна қандай ишларни қилиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Бақарилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Айниқса, биринчи навбатда, БПТлар фаолиятини бундан-да кучайтириш, улар сонини янада кўпайтириш зарур. Ахир бошлангич партия ташкилотлари, энг аввало, депутатликка номзодларни тавсия этиш, сайлов пайтида уларни қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, сайлов жараёнида иш олиб борадиган қузатувчи, тарғиботчи, ишончли ва ваколатли вакилларнинг ҳаммаси БПТлардан чиқади. Шундай экан, бўлажак сайловларда муваффақият қозониш учун ҳозирдан қўйи бўғин фаолигини ошириш жоиз. Эл орасида танилган юрдошларимизни партия сафларига қабул қилиш ва улар билан яқиндан иш олиб бориш фойдалан холи бўлмади.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Шаҳар партия Кенгаши қошида “Аёллар” қанотининг оилавий ўқув марказларини ташкил этишни мўлжаллаялми. Яқин кунлар ичида пойтахт маҳаллаларида “Обод маҳалла болалар майдончалари” кўрик-танловларини ўтказишни қўзғалаймиз. Партиямиз сафини кенгайтириш, хотин-қизлар мавқеини оширишга хизмат қилувчи тадбирларимизни янада кўпайтирмоқчимиз.

Суҳбатдош:
Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
“Адолат” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП “ЁШЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ” РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ёшларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги иштирокини янада кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида белгилаб қўйилган илмий ва техникавий ижод эркинлигидан кенг фойдаланишига эришиш, жамият ижтимоий ривожига ҳиссаси ва масъулиятини ошириш орқали энг яхши инновацион лойиҳаларни аниқлаш мақсадида “Ёшларнинг энг яхши инновацион лойиҳалари” Республика кўрик-танловини эълон қилади.

Кўрик-танлов “Энг яхши инновацион лойиҳа” номинациясида амалга оширилади.

Кўрик-танлов икки босқичда: вилоят ва республика босқичларида ўтказилади. Вилоят босқичи гоилиблари республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Кўрик-танловда 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган касб-хунар қоллежлар, академик лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг талабалари, ёш олимлар ва тадқиқотчилар, ташкилот ва корхона ходимлари иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи 2013 йил 1 апрелдан 1 ноябрь санасигача бўлиб ўтади. Республика босқичи 2013 йил 1 декабрь санасигача ўтказилади.

Кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ўз лойиҳаларини тегишли вилоят партия Кенгашига тақдим этишлари. Ҳар бир вилоятдан энг мақбул деб топилган 1 та инновацион лойиҳа Республика босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинади.

Кўрик-танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- » иштирок этиш юзасидан ташкилий қўмаги номига расмий мурожаат;
- » иштирокчи тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома;
- » инновацион лойиҳа ифодаланган ҳужжатлар тўплами;
- » ихтиро тавсифи ва амалий аҳамияти юзасидан маълумот;
- » ихтиронинг техник иқтисодий асосномаси;
- » ихтиро юзасидан эълон қилинган, нашр этилган мақола-лар, тезислар ва рисоалар нусхалари;
- » ихтиро юзасидан бошқа кўрик-танловда иштироки тўғрисида маълумот;
- » кўргазмали материаллар; ихтиро макети ва стендлар;
- » электрон шаклдаги материаллар (презентация, ролик, видео, фото ва ҳ.к.).

Барча ишлар “кўрик-танловга” деган қайд билан белгилашни лозим.

Лойиҳа ҳужжатлари ўзбек ва рус тилларида тақдим қилиниши мумкин.

Кўрик-танловга тақдим этилган лойиҳалар муаллифларга қайтарилмайди.

Республика кўрик-танлови гоилиблари мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги арафасида тақдирланади.

Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи деб топилган гоилиб “I даражали диплом” ҳамда компьютер жамланмаси билан мукофотланади.

2-ўринга сазовор бўлган гоилиб “II даражали диплом” ва телевизор билан мукофотланади.

3-ўринга сазовор бўлган гоилиб “III даражали диплом” ҳамда рақамли фотоаппарат билан мукофотланади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига ҳар томонлама мос тарзда ишлаб чиқилган инновацион лойиҳа муаллифи партиядан рағбатлантирувчи қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлик олади.

Республика босқичига ўтган барча инновацион лойиҳалар муаллифлари фахрий ёрлик ва партиянинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Республика ташкилий қўмитаси:
Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
“Шарқ Тонги” кўчаси, 23-уй.
Тел/факс: 288-42-08
E-mail: adolat2009@gmail.com

Депутат сўровидан сўнг маҳаллада янги поликлиника ишга тушди

Депутатлик гуруҳларида


Ўзбекистон “Адолат” СДП аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори ҳисобланиб, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокини янада кучайтиришни устувор вазифаларидан этиб белгиланган.

Партия бу борадаги ўз саъй-ҳаракатларини белул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармогини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, бола-

лар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирмоқда.

Ушбу дастурий вазифаларнинг амалий ифодаси сифатида партия ташаббуси билан Тошкент шаҳар Учтепа тумани “Ўрикзор” маҳалласида Марказий кўп тармоқли поликлиникасининг Ўрикзор филиали ишга туширилди.

— “Ўрикзор” ва “Кўксарой” маҳаллаларида истиқомат



қилувчи фуқароларга ҳудудий Оилавий поликлиника бўлмаганлиги бироз қийинчилик туғдирарди. — дейди “Ўрикзор” маҳалла фуқаролари йигини раиси Абдумажит Якубов. — Шу боис Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳига маҳалламизда оилавий поликлиника қуриш таклифи билан мурожаат қилган эдик. Партия

фаоллари ташаббуси ва кўмаги билан мана бугун ҳудудимизда янги поликлиника иш бошлади. 16 минг аҳоли истиқомат қилувчи “Ўрикзор” ва “Кўксарой” маҳалласи аҳолисига ушбу замонавий поликлиника Наврўз байрами ва “Обод турмуш йили”га муносиб совға бўлди.

Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар партия Кенгаши раиси П.Пармонова ҳам маҳалла аҳлини янги тиббиёт муассасаси фойдаланишига

топирилганлиги билан кутлар экан, бу ерда яратилган шароитлар, замонавий тиббиёт жиҳозлари ҳамда малакали шифокорлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ойбек ТОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати раҳбари



Ҳусан АСРОРОВ

Интерактив хизматлар такомиллашмоқда

Қарор ва ижро

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самардорлигини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш воқитасида жисмоний ва юридик шахслар билан тезкор ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан кенг фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш тўғрисида”ги Фармони асосида 2013 йилнинг 1 март ҳолатига тумандаги ҳисобот топшириши лозим бўлган 4663 та юридик шахсларнинг 3809 таси электрон рақамли имзога эга ва улар томонидан шу даврда жами 34676 та солиқ ҳисоб-китоблари туман ДСИга тақдим этилган. Ҳақиқатдан ҳисобот топшириш мажбуриятига эга юридик шахсларга нисбатан электрон рақамли имзога эга юридик шахсларнинг салмоғи 82 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 августдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, давлат ҳокимия-

ти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ва ҳисоботларни электрон тартибда топшириш, интерактив хизматлар тизими ҳамда БЭМ “Бухгалтерга электрон мадад” миллий бухгалтерлик ҳисоби дастурий маҳсуллари қулайликлари ва афзалликлари мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида семинар-йўналишлар ташкил этилмоқда. Ушбу йўналишдаги тадбирлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий билимларини оширишга, электрон ҳисоботларни ўз вақтида топширишларига хизмат қилмоқда.

Алишер ЖўРАЕВ,
Мирзо Улугбек туман ДСИ “Камерал назорат” бўлими бошлиғи

Нуқтаи назар

Бугун дунё сиёсатига назар ташла-сангиз, кабиҳ ниятли кимсалар то-монидан амалга оширилаётган ишларни кўриб, кўнглингиз оғрийд. Ўзича дин-лар яратиш, фақат алдовларни бай-роқ қилиб олган бундай қора ниятли кимсалар турли бузғунчи оқимларга ҳаётини тажрибага эга бўлмаган ёш-ларни жалб қилиб, улардан ғаразли ниятларда фойдаланишаётгани барча-мизни хушёрликка чақиради. Ота-она-ларимиз фарзандларига қанчалик кўз-қулоқ бўлишмасин, барибир уларни мунтазам назорат қилишнинг имкони йўқ. Шу боис, мазкур масалада бар-чамиз — маҳалла, мактаб, олий ўқув юртлари биргаликда ҳаракат қилиши-миз давр талаби.

Юксак маънавият дебочаси

Шу ўринда савол туғилади: бундай оқимларга қандай одамлар кўшилишлари мумкин? Ҳеч иккиланмасдан таъ-кидлаш жоизки, ҳали ўзлиги-ни англаб етмаган, диний ва дунёвий билими ўта паст ки-шилар ғаразли мақсадни кўзлаганларнинг ваъдалари-га тез алданяди. Бу тўғри-да минглаб мисоллар келти-риш мумкин. Аммо бундан юртни сотмоқчи бўлганлар-га кулфатдан бошқа ҳеч қан-дай наф чиқмайди. Энг му-ҳим ҳаётини фалсафа, Прези-дентимиз таъкидлаганидек, жаҳолатга қарши маърифат билан курашилсагина юрт осойишталигидек улуғ мақ-садга тезроқ эришилади.

Жамиятни демократлашти-риш, давлат қурилишини яна-да эркинлаштириш ва ривож-лантириш ақолийнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг нечо-ғли юксаклигига бевосита бо-глик. Айниқса, ёшларимизнинг бу борадаги билим ва кўник-маларини ошириш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Шу боис, ёшларнинг ҳуқуқий ма-даниятини, тафаккурини оши-риш лозим. Шунингдек, ота-

оналар, тарбиячилар, устоз-лар ёшлар билан бўладиган мулоқотлар чоғида жонли ми-соллар келтириб, жаҳонда со-ди бўлаётган нохуш ҳолат-ларни шарҳлашлари, фар-зандларига тўғри йўналиш беришлари керак, деб ўйлай-ман.

Келтирилган мисоллар фар-зандларимиз ҳаётида такрор-ланмаслиги учун ёшларнинг мавжуд ҳуқуқий ахборотлардан тўғри фойдаланишлари, би-лимларни оила ва ўқув муас-сасаларидан ташқари, китоб-лар, телевидение, радио ва матбуот орқали олишга ўрга-тиш лозим. Биз катта ёшли-лар ҳуқуқий саводхонлигимиз, маънавиятимиз ва маданияти-миз билан болаларга ўрнал-ган бўлишимиз, ОАВ орқали ҳуқуқий мавзуларда тарбиявий, юқори савийли курсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёр-лашга, китоб ва мақолалар чоп этилишига эришимиз керак.

Мавлуда МАНСУРОВА,
Шайхонтоҳур тумани
7-сонли давлат нотариал
идораси нотариуси

Дастурий ғояларимизга мос масалалар

Жамоат фонди эътиборидан четда эмас

Матбуот анжумани

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-ти-жорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ва Олий Маж-лис Қонунчилик палатасининг Ахборот хиз-мати ҳамкорлигида оммавий ахборот воси-талари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир Жамоат фонди маб-лағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2012 йилдаги фаолияти янун-лари ҳамда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида бел-гиланган устувор вазифалар ва 2013 йилда фуқаролик жамия-ти институтлари фаолиятини рағбатлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишланди. Анжуманда Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссия-си аъзолари, вазирлик ва идо-ралар вакиллари, маҳаллий ННТ раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мамлака-тимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараё-нида ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ташаб-буслари давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Пировардида улар муҳим дав-лат, ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурларни амал-га оширишда, гуманитар му-аммолар, демократик кадрят-ларни ва аҳолининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш-да муҳим ҳисса қўлмоқдалар.

Айниқса, ҳудудлардаги му-ҳим ижтимоий-иқтисодий ва-зифаларни ҳал этишда йўлга қўйилган ижтимоий ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Жум-ладан, Олий Мажлис ҳузури-даги Нодавлат нотижорат таш-килотлар ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтлари-ни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан қўллаб-қув-ватланган лойиҳаларнинг иж-тимоий шериклик асосида та-тибқ этилиши жараёнида дав-

лат ҳокимияти органлари ва бизнес субъектлари фаол иш-тирок этиб келмоқда.

— Ўтган йили узоқ қишлоқ жойларда 80 та ўқув маркази ва курси фаолият бошлади, натижада тўрт мингга яқин, авваламбор, ёшлар ва хотин-кизлар кичик, оилавий бизнес ва тадбиркорликка жалб қилинди, — деди Жамоат фон-ди директори А.Тўраев. — Қисқа муддатли ўқишдан сўнг 1068 киши ишга жойлашти-рилди, натижада 2011 йилга нисбатан 4,8 маротаба кўп, яъни 2,4 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилда «Обод тур-муш йили» Давлат дастури ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъмин-лашда фуқаролик жамияти институтларини, муштарик ННТлари фаолиятини ривож-лантиришни рағбатлантириш, долзарб ижтимоий, иқтисо-дий, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда уларнинг фаол иштирок этишига қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 7 миллиард сўм йўналти-рилади. Бу ўтган 2012 йилга нисбатан 16,6 фоизга кўпдир. Жорий йилда ННТ ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа инсти-тутлари лойиҳа ва дастурлар-нинг 98 фоизи танлов асоси-да қўллаб-қувватланади.

Таъкидланганича, муқобил энергия манбаларини омма-лаштириш, инновацион техно-логияларни жорий этиш бора-сидаги лойиҳа ва ташаббус-тир ҳам Жамоат фонди эъти-боридан четда қолмайди. Хусу-

сан, ўтган икки йил мобайни-да ижтимоий шерикчилик асо-сида республикамизнинг олис қишлоқ ҳудудлари ва Қорақал-поғистон Республикасида кўёш батареяларини ўрнатиш, ша-мол тегирмонини ишга туши-риш, интенсив боғлар яратиш ҳамда томчилатиб сугориш ти-зимини татбиқ этишга қара-тилган ўнлаб лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Жорий йилда ҳам ижтимо-ий ва жамият ривожига му-ҳим аҳамиятига эга бўлган, ННТнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғ-лиқни сақлаш, тадбиркорлик-ни, касаначиликни ривожлан-тириш, баркамол авлодни шакл-лантириш, ОАВни демократ-лаштириш ва уларнинг муста-қиллигини мустаҳкамлаш соҳа-сидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш давом эттирилади.

Парламент комиссияси қарорига асосан "Обод тумуш йили" Давлат дастурининг иж-росини таъминлашга қаратил-ган ижтимоий буёротма асо-сида йирик ННТларнинг 18 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари амалга оширилиши бошланди. Ушбу мақсадга 1 миллиард 320 мил-лион сўм ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга тақо-слаганда 22,9 фоизга, лойиҳа-лар сони 20 фоизга, ижтимо-ий буёротма бажараётган ННТ ва фуқаролик жамияти-нинг бошқа институтлари сони эса 33,3 фоизга ошган.

Шунингдек, жорий йилда Жамоат фонди томонидан беш-та грант танловлари ўтказили-ши белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун 4 миллиард 280 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган. Мазкур маблағлар миқдори ҳам 2012 йилга нисбатан 24,9 фоизга ошганлигини қузатиш мумкин.

Анжуман сўнггида иштирок-чилар мутасаддилардан ўзла-рини қизиқтирган барча са-волларга жавоб олдилар.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ре-продуктив саломатликни кенг жорий этиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг у-створ йўналишларидан бири ҳисобланади.

Камчиликлар назоратга олинди



Қашқадарё вилояти Китоб туманларо 36-сонли тиббий меҳнат экспертиза комиссия-си ходимлари аҳоли ўртасида ногиронликни ўз вақтида аниқ-лаш ва белгилаш ишларини қизғин олиб боришмоқда. Но-гиронликнинг олдини олиш, тўғри белгилаш ва реабилитация бўйича соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорлик-да бир мунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йилда бирламчи ногиронлик 12 нафарга, бирламчи кўрик-ка келганлар 5 нафарга камай-ди. Шу билан бирга, ўтган вақт давомида реабилитация сама-ратдорлиги ҳам салмоқли бўлди. Комиссия томонидан 217 нафар ногирон тўлиқ, 91 нафар ногирон қисман реби-литациядан ўтказилди. Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муас-сасалари, Пенсия жамғарма-лари, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофа-за қилиш марказлари билан олиб борилган ҳамкорлигимиз ўз самарасини бераётир. Жум-ладан, 87 нафар ногирон банд-

ликка қўмаклашиш марказига юборилди. 5 нафар III гуруҳ ногирони ишга жойлаштирил-ди. Ногиронларнинг ижтимо-ий ҳимоясига алоҳида эъти-бор берилиб, уларнинг реби-литация воситалари ва про-тез-ортопедик махсулотларига бўлган эҳтиёжи имкон бори-ча қондириб келинмоқда. 87 на-фар ногирон реабилитация марказига даволаниш учун юборилди.

Тиббий муассасаларда ноги-ронларни яқка тартибда реби-литация қилиш дастурининг бажарилиши ТМЭК врачлар то-монидан назоратга олинди, аниқланган хато ва камчилик-лар поликлиника врачлари би-лан муҳокама қилинмоқда.

Ўз навбатида мулоҳаза, так-лифлар билан бирга, ариза ва шикоятлар бўлиши табиий. Шу мақсадда мураккаб экс-пертиза ҳолларида бемор ва ногиронлар марказий ТМЭК консултациясига юборилди.

Иқром ОЛИМЖОНОВ,
Китоб туманларо 36-сонли
ТМЭК раиси

Инновацион технологиялар

ташхис ва даволашда янгича самара бермоқда

Тиббиёт

Сил инсоният билан бирга яшаб, унинг ҳаёти, ривожланишига доимий равишда тўсиқ бўлиб келаётган юқумли касалликлардан би-ридир. Шарқнинг буюк табиби Абу Али ибн Синонинг қолдирган манбаларига кўра, бу хас-талиққа иқтисодий жиҳатдан ночор кишилар кўпроқ чалинадилар.

Сил касаллигини таёқчаси-мон бактериялар чақиршини XVIII асрнинг охирига келиб немис олими Роберт Кох аниқ-лаган. Мазкур касаллик бацил-лар, яъни балғамда бактерия-лар ажратилиб чиқаётган тури билан оғриган бемор билан битта хонада, ёпиқ жойда му-лоқотда бўлганда юқади. Айниқса, кучли йўталаётган ва гапирётган бемор атрофга сил микробини ажратиб чиқа-ради. Агар хона шамоллатиб турилмаса ёки сунъий ҳаво ал-маштиришчи воситалар ўрна-тилмаган бўлса, сил микробла-ри хона ҳавосида 1 соатгача муаллақ ҳолда туриб, соғлом одамнинг нафас йўлларида тушганда сил касаллигини ча-қирши мумкин.


Сил касаллигининг юқиб ҳавфи бемор билан узоқ вақт бир жойда бўлганда юқори бўлади. Шу сабабдан ҳам касаллик асосан оиладаги мулоқотда кўпроқ юқади. Ай-тиш жоизки, касаллик ёш бо-лалар ҳамда бошқа касаллик-лар сабабли иммунитетни па-сайган шахслар учун хавфли. Дунёдаги барча мамлакатлар-да сил касаллиги билан оғриш ва унда ўлим ҳолатлари нуқ-

лай ижтимоий-иқтисодий, эко-логик ва демографик омиллар, миграция жараёнлари ва турли хил инфекцияларни юқтирган-лар сони ортаётгани сабабли кўпаяётгани қайд қилинмоқда.

Бутун жаҳон миқёсида сил касалликларини даволаш самар-аси 85 фоизни ташкил қилса, юртимиздаги ушбу кўрсаткич 87 фоизга етди. Хусусан, Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йил-ларда Ўзбекистон Республика-сида сил касаллиги билан ка-салланишни камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори юқорида-ги кўрсаткичга эришилишига хизмат қилмоқда.

Қарорга асосан, ушбу йўна-лишдаги тиббий хизмат муас-сасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ай-ниқса, жойлардаги сил касал-ликлари шифохоналаридаги курилиш-реконструкция ишла-ри олиб борилиши ҳамда уларнинг ҳар бирини замона-вий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш устувор вазифалар-дан ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлака-тимизда сил каби эпидемio-логик касалликни ўз вақтида



аниқлаш ва даволашда сифат жиҳатдан янги, энг юксак та-лабларга жавоб берадиган бирламчи, ихтисослаштирил-ган марказларни ўз ичига қа-раб олган тиббиёт муассаса-ларининг мукамал тармоғи яратилгани барчага маълум.

Ана шундай муассасалардан бири — 2009 йилда ташкил қилинган Республика ихтисос-лаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт Маркази юртимизда фтизиатрия хизматини тако-миллаштириш, сил ва сурун-қали носпецифик ўпка касал-ликларига қарши курашиш, мазкур хасталикларни энг за-монавий муолажалар асосида самарали даволашга хизмат қилувчи етакчи илмий муас-са

ҳисобланади. Марказ хо-димлари томонидан кенг жа-моатчилик орасида соғлом турмуш тарзининг тарғиботи кучайтирилганлиги ва юқумли касаллик ҳисобланмиш сил ка-саллиги тарқалишининг олди-ни олишга қаратилган самар-али чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида сил билан касалланиш сўнгги 10-15 йил ичида 33,2 фоизга, хас-талик туфайли ўлим ҳолатла-ри эса 60 фоизга камайди.

Республика ихтисослашти-рилган Фтизиатрия ва пуль-монология илмий-амалий тиб-биёт Марказида касалликка аниқ ташхис қўйиш, микобак-терияларни аниқлашда керак бўладиган замонавий аппарат-лар билан жиҳозланганлиги

бўйича дунёнинг 10 та йирик лаборатория-хоналари сира-сига кирган. Бу ҳақда Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги ташаб-буси билан яқинда Бутунжаҳон силга қарши курашиш кунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Марказ директо-ри Мирзағолиб Тиллашайхов томонидан тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ноияқ Марказда 10 та бўлим фаолият юритиб, бир йилда 5 минг нафардан ортиқ беморга хизмат кўрсатиш им-конияти мавжудлигини таъ-кидлади.

Афсуски, сил касаллигининг юқумли турларига, дори-дар-монларга чидамли бўлган тур-рига чалинган беморлар ора-сида даволанишни хохламайдиганлар ёки узил-кесил даволан-

масдан туриб, даво чораларини ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйдилганлар учраб турибди.

Аҳолининг кенг қатламлари-га кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада оши-риш тарафдори ҳисобланган ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштироки-ни янада кучайтиришни мақ-сад қилган Ўзбекистон "Адо-лат" социал-демократик пар-тияси айнан ана шундай ҳолат-ларнинг олдини олиш, унинг кенг тарқалиб кетишига қарши курашиш мақсадида жойлар-да қатор тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Шу-нингдек, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-даги фракцияси аъзолари то-монидан айни пайтларда "Силнинг олдини олиш ва уни даволашга доир қонун ҳужжат-ларининг такомиллаштирили-ши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг ай-рик қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-да"ги қонун лойиҳаси кенг му-ҳокама қилинмоқда. Ушбу лойиҳада мамлакатимизда сил бўйича эпидемиологик кўрсат-кичлар Марказий Осиё ва Рос-сия давлатларидагига нисба-тан 1,5 баробар кам бўлиши-га қарамай, Ўзбекистон Рес-публикасининг Фуқаролик про-цессуал кодекси ва "Аҳолини силдан муҳофаза қилиш тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республи-каси Қонунига тегишли ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Унга кўра, сил касаллигининг юқумли тур-ларига, унинг дори-дармон-ларга чидамли бўлган турига чалинган ва даволанишни хоҳ-

ламайдиган, атайин доволана-нишдан бош тортадиган бе-морларнинг соғлом фуқаролар учун муайян эпидемиологик ха-тар туғдиришини инобатга ол-ган ҳолда, ушбу тоифадаги бе-морларни суднинг қарорига асосан ихтисослаштирилган силга қарши муассасага маж-бурий тарзда даволаниш учун жойлаштиришга оид қатъий нормалар белгиланиши режа-лаштирилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиз-даги ваколатхонаси вакиллари-нинг эътироф этишича, бугун-ги кунда Ўзбекистонда диаг-ностиканинг энг замонавий ус-луби ва ускуналари ёрдамида ушбу хасталиққа ўз вақтида ташхис қўйиш ва уни сифатли даволаш учун барча шарт-шар-роитлар етарли. Давлат томо-нидан силга қарши курашиш дастурига ажратилган маблағ-дан самарали фойдаланилиши натижасида БМТнинг Минг-йиллик саммитида жаҳон мам-лакатлари олдига қўйилган мақсадлардан бири рўёбга чиқиши, яъни тарқалиш ва ўлим ҳолати бўйича 1990 йил-даги кўрсаткич 2015 йилга ке-либ икки баробарга қисқари-ши кутилмоқда.

Албатта, бу каби натижага эришиш учун фуқаролар йил-да камида бир маротаба тиб-бий кўрикдан ўтиб, ўзи ва яқинларининг соғлиқига нис-батан эътиборлироқ бўлишлар-и талаб этилади.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Ҳуқуқ

Жиноятга бошлаган телефон дарди

Иллат

Ҳали 17 ёшга ҳам тўлмаган Охунжон Абдиев (исм-шарафи ўзгартирилган) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273, 246, 223-моддалари билан айбдор деб топилди, 11 йилга озодликдан маҳрум этилган. У айни кунда Тошкент вилоятининг Зангиота тарбия муассасасидаги энг ёши кичик маҳбуслардан бири.

...Қирай туман касб-хунар коллежи ўқувчиси бўлган Охунжонга ўзи ишлатиб юрган қўл телефонининг анча оҳори кетгандай туюлаверди.

— Янги “сотка” олиш учун отамдан пул сўраганим, мени уришиб берди. Жуда алам қилди. Уйдан ҳеч кимга билдирмасдан чиқдим-да, Қозоғистонга ўтиб кетдим. У ердаги қариндошимизникида туриб, озроқ вақт ишладим. Қайтиб келаётган пайтимда бир киши билан танишиб қолдим. У ўроғлик нарса кўрсатиб: “Шу дорини чегарадан олиб ўтиб берсанг, юз доллар бераман”, деди. “Дори” деганда оддий дорини тушунган эканман. Унинг гиёҳанд модда эканини билмагандим. Айланма йўл билан ўтиб кетаётганимда қўлга тушдим...


Ажабо, чегара ҳудудига учраган ўша кимсанинг юки безарар, оддий дори бўлса, уни олиб ўтиш учун шунча пулга беғона болани ёллармиди? Охунжон ўша дамда бу ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаган...

Усмилкининг ўтиш даврида баъзи болаларда ўзини намойиш қилишга мойиллик кузатилади. Бундай болалар аксар ҳолларда кийим-кечак, ташки кўриниш, қимматбаҳо зийнатлар билан ўзларини кўрсатишга интилишади. Охунжон ҳам янги русумдаги қўл телефони

орқали ўзини кўрсатмоқчи бўлган. Бундай болаларда эгоцентризм — ҳар қандай воқеа-ҳодиса марказида ўзи туришини хошлаш, ҳаммининг диққат-эътиборини ўзига қаратишга бўлган истақ юқори бўлади. Уларни “Сенинг бошқалардан ҳеч бир фарқинг йўқ, ҳамма қаторидасан”, деган фикр билан қайта тарбиялаб бўлмайди. Аксинча, уларга билим олишда, меҳнат жабҳаларида ҳам қобилиятларини намойиш этишларига имкон яратиб беришимиз лозим.

Фоялар кураши, айниқса, бугунги кунга келиб авж олмаганга қарамай, бугун инсон онг-тафаккури, қалбини маҳв этиш имкониятлари шу даражада кўпчи, хушрўқ бўлмасак, кўзни каттароқ очиб, атрофга теран назар билан боқмасак, исталган пайтда тузоққа илиниш ҳеч гап эмас. Демак, бугуннинг энг долзарб масаласи — ўзини, ўзлигини асраб қолиш, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш, мустақил фикрга эга бўлишдир.

Кейинги вақтларда ўқувчиларимизнинг турли ахборот оқимлари жо бўлган интернет тизими-ю, “сотка”лар билан дўст тутишиб, ҳатто ҳаётларини шуларсиз тасаввур эта олмай қолишаётгани ҳақиқатдир. Улардан фойдаланишда меъ-



ёрга амал қилмаслик эса ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир этмоқда.

Айтинг-чи, фарзандингизнинг қўл телефонини ҳафтада бир марта бўлса-да текшириб турасизми? Ҳолбуки, бундай телефонларнинг зарари тўғрисида кўп нарса биланмиз-у, аммо уларга амал қилмаймиз.

Хабарингиз бордир, ёш авлоднинг турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, уларга берилган таълим-тарбия самарадорлигини янада ошириш ва ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2012 йилнинг 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-

нинг “Ўзбекистон Республикасида таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда тилга олинган талабларни рўйга чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган махсус Низом тасдиқланди. Низомга кўра, ўқув материалларини улардан шарҳлаш сифатида фойдаланиш учун ёзиб олиш ва телефон хотирасида сақлаш; ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек, реакцияон-сектант, сохта диний мафқуранини тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга

ундовчи материаллардан иборат бўлган, кўрғазма, фон сифатида хизмат қилувчи расмлар, аудио-видео ёзувлар, чизма ва суратли тасвирлар, овозли видео роликларни намойиш этиш, тарқатиш ман этилади.

Таълим муассасасига кириб келишда ҳар бир ўқувчи-талаба ўз телефонини “овозсиз” режимида ўтказиши ёки ўчириб қўйиши шарт.

Бундан ташқари, таълим олувчиларга телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтақларида, шим, юбалари чўнтақларида ва шу қабиларда сақлаш қатъиян тақиқланди.

Ўқув машғулотлари вақтида эса телефон орқали сўзлашиш ҳамда хабарлар жўнатиш, мусика тинглаш, ўйин ўйнаш, тасвир кўриш, суратга олиш ҳам қатъиян ман этилган.

Шу билан бирга, факултетада вазиятлар вужудга келган тақдирда таълим муассасаларида телефондан фойдаланиш чекланмайди.

Низом ўқувчилар ва талабаларнинг сифатли таълим олиш ҳамда касб-хунарга тайёргарлик бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатлари йўлида ўқувчи-ёшларнинг саломадлигини сақлашга йўналтирилган.

Муҳтасар қилиб айтганда, оддийгина уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш масаласида катта ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ва тарбиявий муаммолар ётибди. Бу муаммоларни баргараф этишга қодир Низом мавжуд. Ҳамма гап унга тўла амал қилишда қолган, холос...

Мирослом БАДАЛОВ

Сўранг, жавоб берамиз!

Ижтимоий реклама бепулми?

Матбуот саҳифаларида “ижтимоий реклама” деган сўзларни тез-тез эшитамиз. Рекламанинг бу турига тушунча берсангиз. Ижтимоий реклама бепуллиги ҳам ростми?

Н.Ниёзов, Бекобод тумани

“Реклама тўғрисида”ги қонунда “Ижтимоий рекламани ахборот тушунчасига шундай таъриф берилган: “Ижтимоий реклама ахборот соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек, ноижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир”.

Қонунга киритилган ўзгаришларга асосан шахсларнинг ижтимоий рекламани ахборотни текширишга қаратилган ахборот доир фаолияти, ўз мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) ижтимоий рекламани ахборот тейёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бунда фаолияти республика Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламани ахборотни бепул жойлаштирилади.

Гулнора ПАРПИЕВА, Олмалик шаҳар ДНИ нотариуси

Ҳадяи ёки хайр-эҳсон?

Мен ўзимга тегишли бўлган кўчмас мулкни болалар уйига бермоқчи эдим. Бу истагимни туманимиз ҳокимиятига билдирганимда, улар мендан ҳада қилмоқчимисиз ёки хайр-эҳсоним, деб сўради. Айтинг-чи, ҳада билан хайр-эҳсон шартномаси қандай фарқланади?

Сайфиддин Нуриддин, Тошкент вилояти

Ҳада шартномаси ўзаро келишувга асосланган, текинга тузилладиган битим ҳисобланади. Бу шартнома ҳада олувчининг унга тақдир қилинган мулкни қўққни қабул қилишини назарда тутди.

Ҳадяни олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириши назарда тутилган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳадяга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Ҳада мулкни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топшириш ҳақидаги фармойиш васиятнома шаклида расмийлаштирилади.

Ҳада шартномасининг нарсаи ашёни келажақда бериш ёки мулкни қўққни бериш ёхуд ҳада қилувчининг муайян бир ҳуқуқдан воз кечиши (мулкни мажбуриятдан озод қилиш) бўлса, ҳада олувчи ҳада қилувчига нисбатан мажбурият ҳуқуқига эга бўлади. Шартномада ҳада қилинаётган нарса аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкни мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарсаини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисмини ҳада этишини ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилди. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси).

Ҳада шартномасини бирор-бир шарт асосида тузиш ва тасдиқлаш ҳам мумкин. Бу шарт рағбатлантирувчи чора сифатида ҳада олувчининг муайян хатти-ҳаракатга (масалан, ўқини муваффақиятли тугатишга) ундайди ёки муайян шартларга боғлиқ бўлади (масалан, тўй). Бундай шартлар ҳада олувчи учун мажбурий ҳисобланади.

Агар ҳада шартлари қонунсиз бўлса, ҳада шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳада шартномаси бекор қилинади.

Умумий қоида мақсадларда кўчмас мулкни, ашёни ёки мулкни қўққни ҳада қилиш хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумий қоида мақсад хайр-эҳсоннинг фарқли белгиларидан ҳисобланади. Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рўҳмати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Кўчмас мулк хайр-эҳсон қилинганда нотариус кўчмас мулкни, шу жумладан, қорхонани сотиш шартномасига нисбатан қўйилган талабларни бажариши лозим.

Нотариус тарафларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502, 507-моддаларининг мазмунини тушунириб, бу ҳада хайр-эҳсон шартномасининг матнига ёзиб қўяди.

Жаҳонгир ҚОДИРОВ, Сирожиiddин БОБОҚУЛОВ,

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг масъул ходимлари

Никоҳ бекор қилинганда...

Мен турмуш ўртоғим билан 2011 йилда ажрашганман. Ажрашганимизга қадар 10 йил бирга яшаган давримизда автомашина сотиб олганимиз ва у эримнинг номига расмийлаштирилган. Мен ушбу машинага эгалик ҳуқуқини талаб қилишим ёки автомашинадан улуш олишга ҳақим борми?

Н.Умарова, Нурота тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулкларни, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкларни, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Шунингдек, эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулкларни, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари қимминг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъий назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мулк ҳисобланади ва сиз юқоридagi ҳолат юзасидан улуш олишга ҳақлисиз.

Ушбу ҳолат юзасидан турмуш ўртоғингиз билан келишувга эриша олмасангиз Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223-ва 225-моддаларига асосан, фуқаролик судига муурожаат этишингиз мумкин.

Саволга Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими Гавҳар ИСЛОМОВА жавоб берди.

Техника саз бўлсин

Ҳаракат хавфсизлиги учун

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу, аввало, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Айни пайтда ушбу ижобий ўзгариш доимий равишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни, йўлларимизда ҳаракатланаётган барча турдаги транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиб боришни тақозо этади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» автоматотранспорт воситалари ва уларга тиркачаларни, шунингдек, шаҳар электр транспортини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Маълумки, йўловчи ташиш билан шуғулланадиган автокорхоналардаги транспорт воситаларини, яъни автобус, кичик автобус ва одам ташишга мўлжалланган юк автомашиналарининг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориш зарур. Бу инсонларни турли фалокатлардан асраш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан олган ҳолда йўловчи ташувчи транспорт воситалари бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, бу қоида хавфли юкларни ташувчи

транспорт воситаларига нисбатан ҳам қўлланилади. Айтиб ўтиш лозимки, бундай транспорт воситалари биринчи марта техник кўрикдан 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта эса 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилади. Жумладан, 1 мартдан 30 июнгача юридик шахсларга, 1 январдан 31 августгача жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари сафидан мустақам ўрин олди. Янги ишлаб чиқарилаётган автоювлар халқимиз эътижорини қондирмоқда. Сифат жиҳатидан анча мукамал бўлган транспорт воситалари узок вақтга ҳақ ўзининг техник имкониятларини йўқотмайди. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқарилганга беш йил тўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганга беш йилдан ортиқ бўлган

транспорт воситалари эса (йўловчи ташувчилардан ташқари) бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади.

Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркачалар ва ярим тиркачалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорига йўл иқдорини қўлади.

Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳар бир транспорт воситасида мавжуд бўлиши лозим бўлган жиҳозлар ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра мажбурий техник кўрикка жалб этилаётган транспорт воситаларида тиббиёт қўчаси, ёнғин ўчиригич ва мажбурий тўхтаганликни билдирувчи белги бўлиши лозим. Техник кўрикдан ўтказиш жараёнида мана шу жиҳозлар, албатта, текширилади. Бундан ташқари, ҳозирда ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ҳар бир транспорт воситасида нур қайтаргичлар билан жиҳозланган махсус жилетлар бўлиши лозимлиги ҳам тақдир этилмоқда. Бу жилет кўннинг қоронғи ва етарлича кўринмас вақтида транспорт воситаси бузилиб қолса, уни таъмирлаш жараёнида хайдовчи томонидан кийиб олиниши тавсия этилмоқда. Бу эса унинг хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган турли қўнғисиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситалари хайдовчиларига нисбатан қандай чоралар қўрилиши ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жаъвобарлик тўғрисидаги кодекс 125-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мажбурий техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситаларининг хайдовчиларига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилади ва уларга энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан жарима солинади.

Азизхон МУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХБ инспектори, катта лейтенант

Божхона бекати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришни чекланган меъёрларига (Адлия вазирлигида 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосан акциз солиғи солинмасдан олиб кириш учун умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бештагача заргарлик буюмларига руҳсат берилди. Ўрнатилган мазкур меъёрдан ортиқчасини олиб киришда эса жисмоний шахслар тегишли божхона тўловларини тўлаши талаб этилади.

“Сариқ”ни деб сарғайганлар



Бундан ташқари, Адлия вазирлигидан 2004 йил 23 апрелда 1342 рақам билан рўйхатга олинган “Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдирish ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ, божхона чегараларини кесиб ўтиш пайтида тўлдириладиган божхона баённомаларининг 5-бандида олиб ўтиладиган қимматбаҳо заргарлик буюмларининг миқдори аниқ кўрсатилиши шарт.

Шунга қарамай, зебу зарга ҳаддан ортиқ «муҳаббат қўйган» баъзи кимсалар контрабанда билан шуғулланишни ўзларига лозим топиб, мазкур тартибларни бузишга уринмоқдалар.

Тошкент вилояти Божхона бошқармаси ходимлари томонидан тилла буюмларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ бир неча қонунбузарлик ҳолатларига нўхта қўйилди.

“Навоий” чегара божхона пости ходимлари томонидан юртимизга Қозоғистон Республикасидан пиёда кириб келадиган фуқаро И.Иргашева тегишли тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, ундаги қиймати 19 млн. сўмдан ошқ салкам 176 гр. тилла тақинчқларнинг божхона баённомасидан “бекитилгани” аниқланди.

Шунингдек, ушбу пост ходимлари томонидан аниқлан-

Тошкент вилояти Божхона бошқармаси ахборот хизмати



Эркин Иқтисодий Зоналар

Давом. Боши 1-бетда

Албатта, мазкур Фармон нафақат Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, балки бутун республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, аграр соҳанинг ўта муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, бугунги кунда мамлакат тараққиётини, салоҳиятини жаҳон бозоридagi рақобатдошлигини айнаган санда махсус индустриал зоналари бераётгани сир эмаслигини қайд этиб ўтмоқчиман. Фикримизни «Навоий» эркин иқтисодий-индустриал ёки Ангрена махсус индустриал зонасида эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам тасдиқласан бўлади.

Мутахассислар яқин йиллар ичида Навоий вилояти Марказий Осиёнинг, қолаверса, Буюк Ипак йўлининг марказига айланишини башорат қилишмоқда. Ушбу ҳудудда хорижий инвестициялар иштирокида ишлаб чиқарилаётган ҳар хил ўлчам ва диаметри полиетилен ҳамда полипропилен қувурлар, автомобиль симлари, компрессорлар, спидометр сингари «GM Uzbekistan» корхонаси автомобиллари учун бутловчи қисмлар, рангли телевизорлар, сигналларни рақамли форматда қабул қилиш учун махсус ускуналар, хорижий технологиялар асосида лосёнлар, крем, туш ва бошқа косметика воситалари импорт ўрнини босиб бўлган бирга экспортга йўналтирилмоқда.

«Жиззах» МИЗ ҳам икки вилоятнинг нуфузи ва фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра, МИЗда ички ва жаҳон бозорларида рақобатдош бўлган махсусотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришлар барпо этилади ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш боради қулай шарт-шароитлар шакллантирилади. Шунингдек, МИЗга кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришлар барпо этилади. Айни пайтда МИЗ ва республикамиз корхоналари ўртасида мустақам кооперация алоқаларни ўрнатиш ҳамда санда кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияли махсусотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари чуқурлаштирилади.

Биз тараққий тезлашган бир даврда яшамоқдамиз. Ажаб эмас, яратилган улкан имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, «Жиззах» МИЗ яқин келажакда йirik иқтисодий-интеллектуал салоҳиятга эга, ўз махсусотлари билан жаҳон бозорини забт этган афсонавий ҳудудга айланса.

Фармоннинг амалга ошириш ҳудудининг санда потенциал кучайишига, янги-янги инновацион лойиҳаларнинг амалга оширишига, энг муҳими, кўшимча иш ўринларининг яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига, алал-оқибат, фуқароларнинг

ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади. Партия-миз ўз фаолияти мобайнида иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Шу нуктаи назардан «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармон партия-миз фаоллари ва депутатларимиз зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Айниқса, мазкур масала бўйича қабул қилинадиган қарорлар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада депутатлик гуруҳи ва партия-мизнинг тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш олдимишда турган муҳим вазифалардандир. Демак, «Адолат» СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор инсон учун» тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сийосатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этиши.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузиллигини диверсификациялаш борасида ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат амалга оширилмоқда. Бу сиёсат асосида давлатимизнинг иқтисодиётини таркибий қайта қуриш ва бошқа тадбирларнинг салбий таъсиридан имкон қадар ҳимоя қилишда, мустақам ишончли ҳимоя воситасини яратмоқда.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлиги даражасини янада оширишининг муҳим омилли сифатида жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган махсусотлар ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифини амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутади. Шу боис бугунги кунда Хитой, АКШ, Франция, Жанубий Корея, Ирландия, Мексика, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жўрмоғи ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган.

Эркин иқтисодий зона — муайян минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталлини, истикболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Кўпинча эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) инвестицияларни алоҳида минтақалар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ресурсларни кам чинқиндил ва чинқиндисиз қайта ишловчи янада прогрессив технологияларни жорий қилиш, халқаро алоқа ва ҳамкорликка таъсир ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида солиққа тортиш, валюта, боғжона ва шу каби шароитлар тартибга солишдаги алоҳида тартиб ва шарт-шароитлар ўрнатилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси деб ҳам юритилади.

ЭИЗ — жаҳон амалиётида 1950 йиллар боши ва 1960 йиллар охирида пайдо бўлган хўжалик фаолиятини ташкил этишининг нисбатан янги шакли. Уни барпо қилишда қуйидаги масалаларни ҳал этиш билан таъминлаш:

инвестициялар, алоҳида ҳудуд (минтақа)лар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар билан таъминлаш;

ресурсларни тежовчи кам чикимли ёки чикимсиз янада прогрессив технологияларни жорий қилиш;

халқаро интеграция ва ҳамкорликни йўлга қўйиш.

ЭИЗлар турли хил йўналиш-ларга эга, аммо энг кўп тарқалганлари куйидагилар ҳисобланади:

илмий технологик ҳудудлар (технологик парклар, технополислар, илмий парклар, технологик марказлар ва бошқалар). Улар материал ва маҳсулот ресурсларини ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида санда учун юқори даражада янги технологияларни яратиш ва киритишни тезлаштириш учун юқори даражада янги иш ўринларини яратиш мақсадида ташкил қилинади;

импорт ишлаб чиқариш ҳудудлари: импортни жойлаштириш бўйича ҳудуд. Улар қабул қилувчи мамлакатларнинг янги товарлар билан, маҳаллий корхоналарни эса замонавий технологиялар билан таъ-

йиллик савдо айланмаси эса 500 миллиард доллардан зиёддир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ЭИЗларда қутилган самарага эришиш учун уларнинг қачон, қандай йўналишда ва қандай миқдорда қўлашни аниқ билиш керак. Бу борада айнан шу учта асосий қоидага риоя қилмаслик туфайли уларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собик «иттифоқдош» республикаларнинг бир нечаси ўтган асрнинг 90-йилларида шошма-шошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганларини бир эсга олайлик. Уша даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланишининг бошланғич босқичида бўлган ҳисобга олинмаганлиги оқибатида уларга сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермади. Пировардини ЭИЗларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтати. Бундай муваффақиятсиз ташаббусларга Молдова, Беларусь, Украина, Қирғизистон каби давлатлардаги ЭИЗлар мисол бўлиши мумкин. Мамлакатимизда эса, аввало, мақбул иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиётини институтлар ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Шу тариха иқтисодий тизим ва


иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундан эркин иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундан эркин иқтисодий зоналардан нафақат сармояларни жалб қилиш, балки ҳудудий иқтисодий сиёсат воситаси сифатида ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ушбу мақсадларга мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

Ушбу сабаб-ҳаракатлар бугун республикамизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий сиёсатнинг нақадар пухта ишлаб чиқилгани ва оқиллона эканлигини исботлашмоқдаки, бундан нафақат юрти-миз аҳолиси, балки дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар ва йirik инвесторлар ҳам тан олоқдалар.


Хулоса қилиб айтганда, ЭИЗларни ривожлантириш ва бу борадаги ҳуқуқий асослар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда ва унинг самарадорлигини оширишда, жаҳон бозорига тобора интеграциялашувига, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантиришнинг ўзига хос ва бетакорр механизмни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тўқлиқ АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси



Дунёдаги энг ингичка эндоскоп

Инсоннинг ички органларини тадқиқ этиш учун мўлжалланган ускуна — эндоскоп эндодилида соч толаси қалинлиги билан баробар бўлади. Стэнфорд университети муҳандислари эндоскопнинг мана шундай замонавий авлодини яратдиши.



Уларнинг бу янги кашфиёти тиббиётда ҳақиқий инқилобни бошлаб бериши мумкин. Эндоскопнинг афзаллиги томонлари шундаки, саратон тўқималарини у алоҳида аниқлай олади ва организм учун мутлақо хатарсиз равишда бош мия ичига кириб боради.

Одатда бундай ускуналар маълум қалинлидаги сим ёки минглаб оптик толалардан ташкил толади ва ҳар иккала-ри шунинг жойини ёритиб берса, бундай ҳудудда амалга ошириладиган фаолият турлари, эркин иқтисодий зоналарнинг мувофиқлаштирувчи ва операция бошқарув органларини шакллантириш тартиби ҳамда уларнинг вақолатлари, шунингдек, хўжалик юритувчи эркин иқтисодий зона субъектларини рўйхатга олиш тартиби билан боғлиқ нормаларни юқорида номи зикр этилган Фармон талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

Аммо унинг бир заифроқ томони ҳам бор бўлиб, фотонларнинг ҳар бири ўз йўнали-ши бўйича турли томонларга тўхтовсиз ҳаракати оқибатида узатилаётган тасвир сифати бузилиши мумкин. Бу муаммо-ни ҳал этиш учун олимлар янги конструкцияга ёруғлиқнинг бўшлиқ модуляторини жой-лаштиришди. У лазер нура-ларини турли йўналишларга со-чади. Натижада толадан тара-лаётган нур бир маромда

бўлмаган тасвирни ҳосил қила-ди. Бунда ёруғлиқнинг нур та-ратаётган қисми ортага қайтиб, толанинг ичига кириб кетади. Компьютер дастури қайтаётган нур ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, олинган тасвир-ларни таҳлил қилади.

Янги ускунанинг иш натижа-лари олимлар кутганидан ҳам ортиқроқ бўлди. Эндоскоп 2,5 микрометрдан ошмайдиган объектлардаги бутун тафсилот-ларни кўриш имкониятига эга ва бу ўлчам эритроцит диа-метрининг учдан бирича ҳам келмайди. Бошқа замонавий қурилмалар бор-йўғи 10 микрометр ўлчамдаги, оддий ин-сон кўзи эса 125 микрометр объектларни кўриш имкония-тига эга.

Бундан ташқари, Стэнфорд-да яратилган ускунанинг бир микрометрни кўрсатиш тиниқ-лиги 80 минг пикселдан иборат. Аввалги эндоскопларда бу кўрсаткич уч микрометрга 10 минг пиксел бўлган.

Дарҳақиқат, бу янги қурил-манинг битта муҳим камчили-ги бор, у ҳам бўлса — эндос-коп тоқасини буюкли мумкин эмас, чунки узатилаётган тас-вир жимирлаб кетади, бу эса янги қурилмадан ҳамма жой-да ҳам фойдаланиш имкония-ти бўлавермаслигини англа-тади.

Таълим олиш учун Афғонистонга

Қобул университети 30 йилдан ортиқроқ вақт асосида илк бор хорижий талабаларга эшик очди. Эллик нафар йигит-киздан иборат туркиялик талабалар тўрт йиллик таҳсилларини бошлаш учун Афғонистон пойтахтига етиб келишган. Улардан аксарияти форс, пуштун тили ва адабиётини ўрганишмоқчи.



Қобул университети ўтмишда энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири саналган. Бирок бугунда ўқитувчиларнинг салмоқли қисми катта маош тўлаши мумкин бўлган хусусий таълим марказларига ўтиб кетишган. Бундан ташқари мамлакатда кечган узок йиллик урушлар боис таълим тизимини деярли вайрон бўлган.

Хорижлик ёшларнинг Афғонистонга келиб илм олишини эса яқин-яқингача ҳатто тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Бироқ бу воқеа ниҳоят содир бўлди ва ушбу янгилик мамлакат зиёлилари томонидан хушнудлик билан қарши олинди.

Reklama

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда
ташкил қилинган савдо нархиялари ҳақида ахборот

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг 2013 йил 26 март кунда бўлиб ўтган танлов савдоси натижалари

1. Бухоро шаҳар Навоий кўчаси ёқасидан «Ёшлар маркази» мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 154,0 кв.мдан иборат бўлган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 108 736 сўм бўлган ер участкаси 3 000 000 сўмга сотилди.

Хизматлар лицензияланган

Президентнинг ваколатлари чекланди

Грузия парламентининг навбатдан ташқари сессиясида конституцияга киритилган президент ваколатларини чекловчи тузатишлар маъқулланди.

Мазкур тузатишларга мувофиқ, бундан буён мамлакат президенти парламент розилисиз бош вазир ёки вазирлар маҳкамасини истеъфога чиқариш ва тайинлаш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, агар депутатлар давлат раҳбари томонидан тақлиф этилган

ҳуқуматнинг янги таркибини тасдиқламайдиган бўлсалар, президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Айни пайтда президент ўз муддати якунидаги олти ой ичида парламентни тарқатиб юборолмайди. Мазкур тузатишларни Грузия парламентидаги

150 депутатдан 114 нафари ёқлаган.

Бу қадам Грузия президент Михаил Саакашвили ва бош вазир Бидзина Иванишвили ўртасидаги алоқаларнинг юмшашига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракат сифатида қўрилмоқда.

Грузияда ҳокимият учун кураш ўтган йилги парламент сайловларидан бери давом этиб келмоқда. Ушанда Саакашвилининг Бирлашган миллий ҳаракати Бидзина Иванишвили бошчилигидаги «Грузия орузи» муҳолифат коалициясига ютқазиб қўйганди.



Ўзбекистон — маданиятлар кесишган чорраҳа

Тадбир

Қадимги халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнаган Буюк Ипак йўли шарқ ва ғарб халқларини нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий-маърифий жиҳатдан боғлаганлиги билан тарихий аҳамиятга эгадир. Тарихий шаҳарларимизнинг ушбу маданиятлар кесишган чорраҳада жойлашганлиги ва халқаро алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлганлиги бугунги кунда ҳам миллатлараро муносабатларда ўз аксини топмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Буюк Британиянинг Кембридж университети билан ҳамкорликда ўтказилган "Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги кун: ривожланишнинг ижтимоий-маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий йўналишлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам ана шу масалалар ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Британия Кенгашининг INSPIRE — халқаро грант лойиҳаси доирасида ташкил этилган анжуманининг асосий мақсади маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан биргаликда асрлар давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши масаласи бўйича ўзаро фикр алмашиш ҳамда ушбу мавзунинг тадқиқ этишида ҳамкорликнинг самарали услубларини ишлаб чиқаришга қаратилди.

Конференцияда иштирокчилар Буюк Ипак йўлининг тари-

хий генезиси ва унинг ривожидagi ижтимоий-маданий, геосиёсий ва геоиқтисодий омиллари ҳамда Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда анъанавий ва ноанъанавий транспортнинг аҳамияти каби масалаларни шўъбаларга бўлинган ҳолда интерфаол усуллар орқали муҳокама қилишди.

Конференцияда 120 дан ортиқ тадқиқотчилар ўз илмий-таҳлилий маъруза ва мақолалари билан иштирок этдилар. Мунозараларда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Буюк Британия, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Россия ва Қозоғистондан келган экспертлар ҳам қатнашдилар. Айниқса, ўзбекистонлик ёш олимларнинг Буюк Ипак йўлининг тарихи ва ривожланиши мавзусига доир ўзбек, инглиз, немис, рус, араб ва япон тилларидаги чиқишлари конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат шарқшунослик инсти-

тути 2011 йилдан буён Кембридж университетининг Марказий Осиё Форуми билан Буюк Ипак йўли тадқиқотлари бўйича халқаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳамкорлик доирасида ўқитувчи ва талабалардан иборат ТошДШИ делегацияси бир неча бор Буюк Британияда Кембридж университети томонидан ташкил этилган халқаро анжуманларда иштирок этиб қайтишди. Ўз навбатида, Британия томони ҳам Ўзбекистонда ТошДШИ томонидан ўтказилган кўплаб лойиҳалар иштирокчиси саналади. Бундай ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, Буюк Ипак йўли бўйича ғарб ва шарқ адабиётларини ўз ичига олган тизимлаштирилган библиография, Буюк Ипак йўли тарихи ва ҳозирги кунини Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Кембридж университетининг магистратура мутахассисликларида ўқитиш учун маърузалар матни ва унинг асосида ўқув қўлланмаси яратилди. Қолаверса, Тошкент давлат шарқшунослик институти ташаббусига кўра, Кембридж университетидан ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилганлиги, айниқса, эътирофга сазовордир. Бунда илк бор Буюк Британия таълим тизими ва Кембридж университети хусусиятларини инобатга олиб, ўзбек тилини ўқитишнинг ноёб услуби яратилди ва тегишли ўқув ва амалий қўлланмада ўз изоҳини топди.

Инобат АСТАНАҚУЛОВА



Ф. Хусан АСРОПОВ

Диёримиз доврўғини дунёга таратаётганлар

Давоми. Боши 1-бетда

Оғир вазли муайтайчиларимиз орасида самарқандлик Жаҳонгир Мамаризоев барча рақибларини доғда қолдириб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ҳамюртимиз бундан олдинги жаҳон чемпионатларида ҳам икки марта жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритган.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли ёшларимиз ўртасида бошқа спорт турлари қатори кикбоксинг (муайтай) тури тобора оммалашиб бормоқда.

Кўлга киритаётган ютуқларимда ана шу ғамхўрлик ифодасини кўраман. Албатта, яратилган замоний шарт-шароитлар ҳамда машғулотларга малакали мураббийларнинг жалб этилаётгани вакилларимизнинг қитъа ва жаҳон рингларидаги ёрқин ғалабаларига асос бўлмоқда, — дейди биз билан сўхбатда Жаҳонгир.

Жаҳон чемпионининг гапларида жон бор, албатта. Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган туфайли 30 килограмм вазнда А.Рашидов ёшлар ўртасида, 51 килограмм ваз-

нда С.Тўландиев ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини кўлга киритишди.

Давлатимиз раҳбари 15 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида қизларни спортга жалб этиш борасидаги ютуқларга ҳам тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида қизларни спортга жалб қилиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони, 2003 йил билан солиштирилганда, 1,6 баробар, жумладан,

қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди. Таиландда ўтган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида Шохид Раҳимованинг 57 килограмм вазн тоифасида фахрли 2-ўринни кўлга киритгани ҳам билдирилган юксак ишонч оқланаётганининг ифодасидир.

Терма жамоа масъулларидан бири Отабек Маҳаммадиевнинг сўзларига қараганда, шу пайтгача кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати финали мусобақаларида қизларимиз бундай муваффақиятга эришишмаганди.

Феруза ТОИРОВА



Ф. Хусан АСРОПОВ

Нашр



“XXI ASR TECHNOLOGIYALARI”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маъмуриятидаги муаллафлар ва ўсмирларнинг илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп наشري “XXI asr texnologiyalari”нинг навбатдаги сони чоп этилди.

Журнал жорий йилнинг 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси хусусидаги “Кенг қўламли технологик ислохотлар йўлида” мақоласи билан очилади.

“Ўтган 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш сингари хизмат турларини замонавий технологик ва бозорга хос турлари билан таъминлашни юқори даражада ривожлантириш, дейилди мақолада. Шунингдек, ҳукуматимизнинг қарори билан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташкил

этилиши бу борадаги вазифаларнинг тезроқ бажарилишида катта туртки бўлиши алоҳида кайд этилган.

Журналда нуфузли Нобель мукофотининг 2012 йилги совриндорлари хусусида кенг маълумот берилган. “Келажак овози-2012”: гоғлар сарчашмаси мақоласида эса республикамизда анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган иқтидорли ёшлар танловининг ўтган йилги ғолиблари, уларнинг инновацион лойиҳалари борасида сўз юритилади.

Журналда “Буюк ихтирочи муҳандис”, “Масофадан овоз билан бошқариладиган мобиль робот”, “Компьютер вирусларидан сақланган!”, “Вицедемаъруза: хусусиятлари, вазифалари ва яратилиш технологияси” сингари қатор қизиқарли мақолалар чоп этилган.

“Ўзнахтасаноат”

уюшмаси жамоаси

кўп миллатли бунёдкор халқимизни янгилаш ва яшариш айёми —

Наврўзи олам билан чин дилдан самимий қутлайди!

Сиз азиз юртдошларимизга янги тонг, янги кун муборак бўлсин. Наврўз барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин.

Орзу ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамажон ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Таълат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (142); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (факс); Котибият — 288-42-06 (148).

Навбатчи муҳаррир — Ф.ЭСОНОВ. **Навбатчи —** Ф.ЖУРАЕВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган **НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2093-5217

«Шарқ» НМАК босмаханасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ—300. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-2. Адади — 15079. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 01.00

1 2 3 4 5